




### Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

## ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ ФАОЛИЯТИ, ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ, БОШҚАРИШ ВА МОЛИЯЛАШТИРИШНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА



### HARAKATLAR STRATEGIYASI 2017-2021

**Ҳаракатлар**  
стратегиясининг биринчи йўналишида давлат ва жамият қурилишида такомиллаштиришга йўналтирилган демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда парламентнинг ҳамда сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш, давлат бошқаруви тизимини ислох қилиш, давлат хизматининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини ривожлантириш вазифалари белгиланган.

Шунингдек, «Электрон ҳукумат» тизимини такомиллаштириш, давлат хизматлари сифати ва самарасини ошириш, жамоатчилик назорати механизмларини амалда татбиқ этиш, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ролини кучайтириш масалалари кўзда тутилган.

### ХАЛҚ БИЛАН МУЛОҚОТ

## Мамлакатимизда демократик ислохотларни чуқурлаштириш бўйича янги давр бошланмоқда

Президентимиз Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили муносабати билан сенаторлар ва депутатлар ҳар ойда 10-12 кун давомида бир туманда бўлиб, аҳолини ўйлантираётган масалаларни чуқур ўрганиши, таҳлил қилиши, шу асосда маҳаллий ижро ҳокимияти, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар фаолияти юзасидан тегишли хулосалар чиқариши кераклиги ҳақида тақлифлар берган эди.

Шунга мувофиқ, Олий Мажлис Сенати аъзолари ҳамда Қонунчилик палатаси депутатлари жойларда аҳоли вакиллари билан бевосита мулоқотда бўлиб, уларни ўйлантираётган масалаларни, ижро ҳокимияти фаолиятини танқидий-таҳлилий нуқтаи назардан ўрганди. Бундай мулоқотлар аҳолининг хоҳиш-истакларини билишда, фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя этишда, халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак, деган қатъий қондириш амалга оширишда долзарб аҳамият касб этмоқда.

Иқтисодиётнинг инновацион ривожланишида академик фаннинг аҳамиятини янада ошириш, Фанлар академиясининг нуфузини юксалтириш ва фаолиятини такомиллаштириш, илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятни бошқариш ва тартибга солишнинг ягона тизимини шакллантириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда илм-фаннинг ўрнини ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Фанлар академиясининг асосий вазифа ва фаолияти йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:
  - табиий, техник ва ижтимоий-гуманитар фанлар соҳасида фундаментал, амалий ва инновацион илмий тадқиқотлар олиб бориш;
  - илм-фаннинг таълим ва ишлаб чиқариш билан интеграцияси механизмларини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;
  - иқтисодиёт тармоқлари ва республика ҳудудларининг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, фан ва технологияларни ривожлантиришнинг, давлат илмий-техник дастурларининг устувор йўналишларини шакллантиришга доир тақлифлар ишлаб чиқиш;
  - жаҳон ва республика илм-фан ютуқларини ўрганиш ва таҳлил қилиш, улардан Ўзбекистон Республикаси манфаатлари йўлида фойдаланиш борасида тавсиялар ишлаб чиқиш;
  - мамлакатимиз илм-фани, илмий салоҳияти, фан ва техника ютуқларини оммалаштириш ва тарғиб қилиш;
  - хорижий мамлакатларнинг фанлар академиялари, илмий-тадқиқот ташкилотлари ва жамғармалари билан халқаро ҳамкорлик қилиш, халқаро илмий форум ва конференциялар ташкил этишда ва ўтказишда иштирок этиш;
2. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Молия вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш кўмитасининг Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги Тарих институти Фанлар академияси тасарруфига ўтказиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси таркибида:
  - Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги Математика институти негизида В.И.Романовский номидаги Математика институти;
  - Ўзбекистон Миллий университети Физика факультетининг тегишли лабораториялари ва ноёб объектлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳузуридаги Радиация хавфсизлиги маркази негизида Ядро физикаси институти;
  - Тошкент давлат техника институти Мухандислик-физика факультетининг тегишли лабораториялари негизида У.А.Арифов номидаги Ион-плазма ва лазер технологиялари институти;
  - Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти ва Тошкент давлат техника институти ҳузуридаги Тармоқ машинасозлиги муаммолари илмий-тадқиқот маркази негизида М.Т.Урозбоев номидаги Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти;
  - Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги Полимерлар кимёси ва физикаси илмий-тадқиқот маркази негизида Полимерлар кимёси ва физикаси институти;
  - Тошкент давлат шарқшунослик институти ҳузуридаги Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқ кўлбемалари маркази негизида Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти;
  - Самарқанд шаҳридаги Археология институти ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Археология институтининг Тошкент бўлими негизида Я.Фулломов номидаги Археологик тадқиқотлар институти;
  - Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти институти ҳузуридаги Ўзбек тили ва адабиёти илмий-тадқиқот институти негизида Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти;
  - Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти институти ҳузуридаги Ўзбек тили ва адабиёти музейи негизида Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейини ташкил этиш тўғрисидаги тақлифга розилик берилсин.
3. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлигининг Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистоннинг энг янги тарихи жамоатчилиги

кенгагини Фанлар академияси ҳузуридаги Ўзбекистоннинг энг янги тарихи жамоатчилик кенгашига айлантириш тўғрисидаги тақлифга розилик берилсин.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари бўйича Мувофиқлаштирувчи-методик марказ Фанлар академияси тасарруфига ўтказилсин, у Фанлар академияси ҳузуридаги Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича жамоатчилик кенгашининг ишчи органи этиб белгилансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, «Навоий кон-металлургия комбинати» давлат корхонаси, Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш кўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг Фанлар академияси Навоий бўлимини ташкил этиш тўғрисидаги тақлиф қабул қилинсин.
5. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, «Навоий кон-металлургия комбинати» давлат корхонаси, Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш кўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг Фанлар академияси Навоий бўлимини ташкил этиш тўғрисидаги тақлиф қабул қилинсин.
6. Илм-фаннинг устувор йўналишлари ривожланишини таъминлаш, шунингдек, илмий-тадқиқот муассасалари фаолиятини самарали мувофиқлаштириш мақсадида Фанлар академияси бошқарув аппарати тузилмасида физика-математика ва техник фанлар, кимё-биология фанлари, ижтимоий-гуманитар фанлар бўйича бўлимлар ташкил этилсин.
7. Амалиётга шундай тартиб жорий этилсинки, унга мувофиқ тармоқ илмий-тадқиқот муассасалари Фанлар академиясининг ассоциациялаштирилган аъзоси бўлишлари мумкин.
8. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ташкилий ҳамда бошқарув аппарати тузилмалари 1 ва 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.
9. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президентига, зарурат бўлганда, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси бошқарув аппарати тузилмасига ходимларнинг тасдиқланган чекланган умумий сони доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.
10. Куйидагилар Давлат комиссиясининг асосий вазифалари этиб белгилансин:
  - илмий-техник фаолият соҳасида ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
  - давлат илмий-техника ва инновацион сиёсатининг устувор йўналишларини ва ушбу соҳаларда давлат сиёсатини амалга оширишга йўналтирилган чора-тадбирларни белгилаш;
  - фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотларнинг грант асосидаги давлат илмий-техника дастурларини тасдиқлаш;
  - бажарилаётган лойиҳалар ва уларни жорий этиш тадбирларининг амалга оширилиши юзасидан давлат органлари раҳбарлари ва мансабдор шахсларнинг ҳисоботларини эшитиш ва шахсий жавобгарлиги масалаларини кўриб чиқиш.
11. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги фаолияти тугатилаётган Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш кўмитаси негизида Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар агентлигини ташкил этиш тўғрисидаги тақлифга розилик берилсин.
12. Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар агентлигининг тузилмаси 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

ҳодимларнинг тасдиқланган чекланган умумий сони доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар агентлигининг асосий вазифа ва фаолияти йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:
  - мамлакатни социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ривожлантириш вазифалари ва замонавий илм-фан ютуқларини инobatга олган ҳолда, фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаш ва амалга ошириш тадбирларини бажариш;
  - давлат илмий-техника дастурларини шакллантириш, амалга ошириш ва улар ижросининг ҳамда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда илмий-тадқиқот ишлари натижаларидан фойдаланишнинг тизимли мониторингини олиб бориш;
  - муҳим тармоқларро илмий-техник дастурлар ижросини таъминлаш;
  - иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа учун фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотлар бажарилиши бўйича илмий-техник хизматлар кўрсатишда давлат топшириқларини шакллантириш;
  - хар йилги Республика инновацион гоғлар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркаси ўтказилишини ташкил этиш ҳамда унинг доирасида имзоланган шартномаларнинг бажарилиши бўйича мониторинг олиб бориш;
  - фан ва технологиялар соҳасида халқаро ҳамкорлиқни ривожлантириш, хорижий инвестициялар ва грантларни жалб этиш, хорижий ҳамкорлар билан қўшма илмий лойиҳалар ва инновацион ишланмалар бажарилишини ташкил этиш;
  - олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш фаолиятини режалаштириш ва мувофиқлаштириш.
13. Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар агентлиги Давлат комиссиясининг ишчи органи ҳисобланиши белгилаб қўйилсин.
14. Фан ва технологиялар агентлиги республикасининг илмий-тадқиқот, таълим ва бошқа муассасалари томонидан амалга ошириладиган давлат илмий-техника дастурлари ва лойиҳаларининг ягона буортмачиси этиб белгилансин.
15. Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар агентлиги Фанлар академияси, Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги билан биргаликда, уч ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига бинолар, иншоотлар ва бошқа моддий-техник базани сақлаш ва улардан фойдаланиш харажатларини базавий молиялаштириш механизмининг жорий этишни назарда тутувчи илмий-тадқиқот муассасаларини молиялаштириш тартибини такомиллаштириш бўйича тақлифлар киритсин.
16. Мамлакатда илм-фан ва технологияларнинг жадал ривожланишини таъминлашга йўналтирилган тадқиқотларни ташкил этиш учун шарт-шароит яратиш, рақобатбардош илмий-ҳажмдор маҳаллий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш мақсадида Давлат комиссияси қошида юридик шахс макомига эга бўлган Илмий-техник фаолиятни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамғармаси ташкил этилсин.
17. Илмий-техник фаолиятни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамғармаси маблағларини шакллантириш манбалари этиб:
  - Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигига патент боғлари, йиғимлар ва бошқа солиқ тоифасига кирмайдиغان тўловлардан келиб тушган валюта маблағларининг 90 фоизи;
  - халқаро молия ташкилотлари ва институтиларнинг грантлари ва кредитлари;
  - ҳомийлар — юридик ва jisмоний шахсларнинг, Ўзбекистон Республикаси резидентлари ва норезидентларнинг маблағлари;
  - қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа тушумлар белгилансин.
18. Илмий-техник фаолиятни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамғармаси маблағларини бошқариш вазифаси Давлат комиссиясига юклансин.
19. Куйидагилар Илмий-техник фаолиятни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамғармаси маблағларидан фойдаланишнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:
  - Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда бошқа вазирлик ва идораларнинг илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларида мамлакатда илм-фан ва технологияларнинг жадал ривожланишини таъминлашга, рақобатбардош илмий-ҳажмдор маҳаллий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни

ўзлаштиришга йўналтирилган илғор илмий тадқиқотлар ва изланиш ишларини олиб бориш учун танлов асосидаги, мутлақо янги типдаги ва замонавий юқори технологик асбоб-ускуналар билан жиҳозланган илмий лабораториялар ташкил этиш бўйича тадбирларни молиялаштириш;

давлат илмий-техника дастурларини доирасида яратилган интеллектуал мулк объектларини чет элда рўйхатдан ўтказиш (патентлаш) харажатларини қоплаш;

давлат илмий-техника дастурларини амалга оширишда иштирок этувчи илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларининг илмий лабораториялари учун қўшимча замонавий илмий асбоб-ускуналар, зарур сарфланувчи материаллар ва бутловчи қисмлар билан узлуксиз таъминлаш учун маблағ ажратиш;

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда бошқа вазирлик ва идоралар тасарруфидagi илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларининг етакчи илмий электрон маълумотлар базасидан эркин фойдаланишлари учун талаб этиладиган харажатларни қоплаш;

ёш олимларнинг етакчи хорижий илмий марказларда, шу жумладан, илмий лабораторияларни жиҳозлаш учун сотиб олинadigan замонавий илмий ва технологик асбоб-ускуналарда ишланиш ўрганишлари учун ташкил этиладиган қисқа муддатли илмий стажировкаларни молиялаштириш.

20. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Фан ва технологиялар агентлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда илмий тадқиқотлар ўтказиш, илмий лабораторияларни жиҳозлаш ва олимларнинг хорижий стажировкаларини ташкил этиш учун чет эл кредитлари ва грантларини жалб этиш бўйича халқаро молия институтилари ва бошқа хорижий донорлар билан тизимли иш олиб борсинлар.
21. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Фанлар академиясининг илмий тадқиқотлар якунлари бўйича салмоқли натижаларга эришган олимларни тақдирлаш учун Фанлар академиясининг илмий ходимларни моддий рағбатлантириш жамғармасини ташкил этиш тўғрисидаги тақлифга розилик берилсин.
- Белгилаб қўйилсинки, Фанлар академиясининг илмий ходимларни моддий рағбатлантириш жамғармаси Фанлар академияси илмий-тадқиқот муассасаларининг хўжалик ва тадбиркорлик фаолиятидан тушган соф фойданинг 10 фоизи миқдоридagi чегрима ҳисобидан шакллантирилади.
22. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда мазкур қарор ижросини таъминлашга қаратилган, жумладан, қуйидагиларни назарда тутувчи ҳукумат қарорини қабул қилсин:
  - тегишли олий таълим муассасалари билан чуқур интеграцияни таъминлаган ҳолда Фанлар академияси тасарруфига ўтказилаётган ҳамда унинг таркибидa кайта ташкил этиладиган илмий-тадқиқот муассасаларининг фаолиятини йўлга қўйиш;
  - Фан ва технологиялар давлат комиссияси, Фан ва технологиялар агентлиги, Илмий-техник фаолиятни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамғармаси, Фанлар академиясининг Навоий бўлими, Фанлар академиясининг илмий ходимларни моддий рағбатлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш.
  - 23. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Фан ва технологиялар агентлиги, Адлия вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:
    - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига амалдаги қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида тақлифлар киритсин;
    - идоравий норматив ҳужжатларнинг ушбу қарорга мувофиқлаштирилишини таъминласин.
  - 24. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти** **Ш.МИРЗИЁЕВ**  
Тошкент шаҳри,  
2017 йил 17 февраль





# САНЪАТ ЧЕГАРА БИЛМАЙДИ

Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги Ўш давлат академик ўзбек драма театри водий бўйлаб гастролларини давом эттирмоқда.

Куни кеча Фарғона шаҳридаги муҳташам театр-концерт саройида Қирғизистон халқ шоири, драматург Жалил Садиқовнинг «Айкел Манас» спектакли намойиш этилди.

Айни вақтда Фарғона водийсида 300 мингга яқин қирғиз миллатига мансуб аҳоли тинч ва хотиржам яшамоқда. Уларнинг миллий урф-одатлари, анъана ва қадриятларини ривожлантириш, қўллаб-қувватлаш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Қирғизистон Президенти Алмазбек Атамбаев билан Самарқандда бўлиб ўтган учрашувда маданият, санъат, жамоат ташкилотларининг тўғридан-тўғри алоқаларини йўлга қўйиш ва янада ривожлантириш, мустақамлаш зарурлиги масаласига алоҳида тўхталган эди.

Икки қардош халқ ўртасидаги дўстлик пойдевори бундан 22 йил аввал Биринчи Президентимиз Исрол Каримов томонидан қўйилган эди. Буни Бишкекда ўтказилган «Манас» эпосининг 1000 йиллик

тантаналарида айtilган куйидаги фикрлар ҳам тасдиқлайди:

Биз, ўзбеклар, бугун «Манас» эпосининг тўйида қатнашар эканмиз, бир нарсадан чинакам ифтихор қилишга ҳаққимиз бор. Қани айтишлар! Қирғиз халқининг улуг ўғлини Манаснинг суоқли умр йўлдоши, елкадоши, тоғу таянчи ким бўлган? Унинг маслакдоши, достонда айтилганидек, энг қийин кунларида, умрининг охиригача садоқатли сафдоши ким бўлган? Биз, ўзбеклар, катта гурур билан, фахр билан айтмиш-ки, бу аёл Бухоро хонининг суоқли қизи Хоникей бўлган. Шундан кейин, азизларим, ўзбек ва қирғизнинг қардошлигига яна қандай далил керак? Яна қандай исбот керак?

— Асрлар оша қардошлик туйғуларини кўз қорачидай асраб-авайлаб келатган қирғизистонлик дўстларимиз ташрифидан жуда қувондик, — дейди Юсуфжон қизик Шакаржонов номи Фарғона давлат драма театри актриси Муҳаммадсоли Аҳмедов. — Санъат ҳеч қачон чегара билмайди. Агар мабодо



қандайдир сунъий тўсиқ қўйилса, ривожланмайди. Бу менинг фикрим эмас. Қадим-қадимдан амал қилиб келинган қонуниятдир.

— Ўш давлат академик драма театри нафақат Қирғизистонда, балки Марказий Осиёда ҳам ноёб санъат даргоҳларидан бири ҳисобланади, — дейди театр директори Набижон Мамажонов. — Унинг ўзига хослиги шундаки, юз йилга яқин давр мобайнида ўз анъаналарига содиқ қолиб

қирғиз санъатини Ўзбекистонда, ўзбек санъатини Қирғизистонда тарғиб қилиб, халқларимиз ўртасида дўстлик кўприги вазифасини адо этмоқда.

Мазкур театр Бишкек, Тошкент, Душанбе, Олмаота, Андижон шаҳарларида ўтган халқаро театр фестивалларида «Соҳибқирон», «Чингизхон олиб кетган сир», «Чулпон», «Зурдан зур чиқса», «Маликанин кўз ёши» каби спектакллари билан қатнашиб, совринли ўринларни эгаллаган. Шунингдек, театр

жамоаси Ўзбекистон, Тожикистон, Қозоғистон, Россия ва Туркия давлатларида гастролларда бўлган.

«Айкел Манас» спектакли актёрларнинг моҳирона ижроси, мусиқанин воқеликка уйғунлиги билан томошабинлар меҳри ва оққисини қозонди.

Қирғиз халқининг миллий қаҳрамони донишманд Манас элларни элларга, дилларни дилларга яқинлаштиришга интилади, уларга ватанпарварлик ва мардликдан сабоқ беради. Манас образини

яратган актёр Акмалхон Арслонхонов унинг ички дунёси, фалсафий қарашлари, ботирлиги каби фазилатларини маромига етказиб ижро эта олган.

«Айкел Манас» спектакли томошасида Ўзбекистон ва Қирғизистон Республикалари Бош вазирлари ўринбосарлари Алҳам Икромов ҳамда Жениш Разаков, Фарғона вилояти ҳокими Шухрат Ганиев иштирок этди.

Муҳаммаджон ОБИДОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

## Ватан ҳимояси — муқаддас бурч

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 21 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси фуқароларини муқаддас ҳарбий хизматга навбатдаги қақуруви ҳамда белгиланган хизмат муқаддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Қуролли Кучлар резервига бўшатиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ўз йигитлик бурчини ўтаб бўлган йигитлар мамлакатимизнинг барча ҳудудларида тантанали кутиб олинмоқда.

## АСКАРЛАР УЙИГА ҚАЙТМОҚДА

...Карнай-сурнай садолари фарзандларига кучоқ очган оталарнинг ўқтам овозига, оналарнинг меҳр тўла алқашларига, алп ўғлонларнинг жарангдор кулгусига қўшилиб кетади. Опа-сингиллар ўз жигарларига гуллар тутади...

Тошкент темир йўл вокзалида Фарғона вилоятида муқаддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтган йигитларни кутиб олиш маросими ана шундай шодиёнага айланиб кетди.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши раиси И.Мирзаалиев, «Нуроний» жамғармаси республика бошқаруви раиси ўринбосари Ш.Усмонов ва бошқалар Қуролли Кучларимизда изчил амалга оширилган ислохотлар боис бугун ҳарбий хизмат ҳар бир йигит учун юксак маъсулият ва шон-шараф ишига айланганини таъкидлади.

Ватан ҳимоячиларини байрамона кутиб олиш билан бирга, уларнинг ҳарбий хизматдан кейин ҳаётдан, жамиятимиздан муносиб ўрин топишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Уларнинг олий ўқув юртиларига ўқишга кириши, жамоат ишларида фаол қатнашиши учун кенг имкониятлар яратилмоқда. Зеро, бу ёшлар ўнлаб тенгдошлари орасидан танлаб-саралаб олинган. Хизмат давомида ҳарбий билимларни эгаллаган, жисмини чиниктирган, иродасини тоблаган, маънавиятини юксалтирган. Мардлик ва матонат мактабини ўтаган бундай йигитлар ўз тенгдошларига, укаларига намуна бўлиб қолмай, мамлакатимиз тараққиёти учун хизматга шай.

— Ватан ҳимоясидек муқаддас бурчини адо этиб, ёруғ юз билан ота-онам бағрига қайтанимдан хурсандман, — дейди оддий аскар Дийрбек Набиев. — Ҳарбий хизмат давомида жисмонан чиникдим. Эндиги мақсадим — ҳарбий йўналишдаги олий ўқув юртидан бирига ўқишга кириш. Олган билимларимни, тўплаган тажрибамни Ватанимиз тинчлиги, тараққиёти йўлида сарф этишни мақсад қилганман.

Д.КАРИМОВ, ЎЗА мухбири.

## Миллий матбуот марказида

Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан матбуот анжумани ўтказилди.

Унда қайд этилдики, бошқарма томонидан ўтган даврда тадбиркорлик субъектлари фаолиятини кенгайтириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилди.

## МУАММОЛАРГА ЕЧИМ ТОПИЛМОҚДА

Ўтган йили тадбиркорлик субъектларидан адлия бошқармасига 324 мурожаат келиб тушган бўлиб, шундан 177 таси шикоят тариқасидаги мурожаатни ташкил этади. Келиб тушган шикоятлардан 164 таси қўриб чиқилган. Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини бузиш, фаолиятига асоссиз аралашуш фавқулодда ҳолат сифатида баҳоланиб, айбдор шахсларга қатъий чоралар кўрилмоқда.

Шунингдек, бошқармада ташкил этилган «Ишонч телефони» орқали ўтган йилда 320 мурожаат қабул қилинди ва унинг 299 таси ҳал этилди.

Мурожаатлар юзасидан судларга қўриб чиқиш учун 1,2 миллиард сўмликдан ортиқ 99 даъво аризаси киритилди.

Фуқароларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, мулкий ва номулкий муносабатларни қонун асосида тартибга солиш, расмийлаштириш, аҳолига намунали юридик хизмат кўрсатиш билан боғлиқ масалаларда ҳам бир

қатор ишлар амалга оширилди.

Жумладан, ўтган йил давомида Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлимига жами 685 мурожаат келиб тушган. Мурожаатларни қўриб чиқишда аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари бартараф этилган ва фуқароларнинг бузилган ҳуқуқ ва манфаатларининг тикланишига эришилган.

Анжуманда фахрийларга кўмак бериш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат ношари идоралари нотариуслари томонидан «бепул ҳуқуқий маслаҳат кунлари» ташкил қилингани қайд этилди.

Бундан ташқари, адлия бошқармасида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини ҳар кун қабул қилиш мақсадида «қабул кунлари жадвали» тасдиқланиб, масъул ижрочилар бириктирилган. Адлия бошқармасига келиб тушаётган ҳар бир мурожаат қонунга мувофиқ қўриб чиқилмоқда.

Равшан ШОДИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

## СИФАТЛИ МАҲСУЛОТ — СОҒЛОМ ҲАЁТ ГАРОВИДИР

Миллий матбуот марказида «Мамлакатимизда озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлашда «Ўзстандарт» агентлигининг ўрни ва аҳамияти» мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

— Агентлигимиз томонидан қатор вазирилик ва идоралар билан ҳамкорликда бозорларимизни сифатсиз маҳсулотлардан ҳимоя қилиш, аҳоли истеъмол қилаётган озиқ-овқат маҳсулотлари сифатини яхшилаш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда, — дейди «Ўзстандарт» агентлиги Бош метрополиги Абдурауф Абдуқаюмов. — Агентликининг Тошкент шаҳридаги урта ва Қашқадар вилоятидаги битта синов, яъни озиқ-овқат лабораториялари халқаро даражада аккредитациядан ўтказилди. Швейцариянинг «SGS» компанияси билан маҳсулотларни синовдан ўтказиш бўйича ҳамкорлик йўлга қўйилди. Бунинг натижасида 7 турдаги маҳсулотларга халқаро даражада синов баённомалари расмийлаштириш билан дунёнинг 140 давлатида тан олинishi таъминланди.

Қолаверса, жорий йилда Сурхондарё вилоятида озиқ-овқат маҳсулотларини синов лабораторияси халқаро аккредитациядан ўтказилди. Шунингдек, яна 4 синов лабораториясини халқаро даражадаги аккредитациядан ўтказиш режалаштирилмоқда.

Республикаимизда озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлашга қаратилган саяё-ҳаракатларга қарамай, айрим ҳолатларда истеъмолчилар сифатсиз маҳсулотларга дуч келишмоқда. Бунинг олдини олиш мақсадида агентлик жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари асосида ўтган йилдан бошлаб озиқ-овқат маҳсулотларини лаборатория шароитида синовдан ўтказиш ишларини йўлга қўйди. Агентликининг ҳудудий марказлари томонидан ўтган йил 1 миллиард 962 миллион 658 минг сўмлик

маҳсулот яроқсиз деб топилган. Жорий йилнинг январь-февраль ойларида эса жами 1 миллиард 123 миллион 613 минг сўмлик маҳсулот яроқсизлиги аниқланган. Қолаверса, ҳудудий марказлар томонидан маҳсулотлар устидан 703 инспекция назорати ўтказилиб, стандарт талаблари бузилганлиги боис, 16 мувофиқлик сертификати амал қилиш муддати вақтинча тўхтатилган. 52 мувофиқлик сертификати корхонанин хатиға асосан бекор қилинган.

«Ўзбекистон овози» газетаси мухбирининг саволи: — Маълумки, барча товар ва маҳсулотларга стандартлар жорий қилинмоқда. Ҳақли бир савол туғилади. Бугун ошхона, кафе ва рестороанларда тайёрланаётган турли хил таомларнинг микдорида ҳар хилликлар мавжуд. Бу борада стандартлаштириш масаласи кўзда тутилганими?

— Уришли савол, — деди Абдурауф Абдуқаюмов. — Бу борада ишлар олиб борилмоқда. 2018 йилдан эътиборан ошхона, кафе ва рестороанларда таомларнинг ҳажми ҳамда граммлари борасида стандартлар жорий этилиши режалаштирилмоқда.

Тоштемир МУРОД

## Шахмат

### ОПА-УКА ЧЕМПИОНЛАР

Пойтахтимизда шахмат бўйича 14-18 ёшгача ўғил-қизлар ўртасида ўтказилган мамлакат чемпионатида Нодирбек Ёқуббоев ва Нилуфар Ёқуббоева ўз ёш тоифасида ғолибликни қўлга киритди.

Мамлакатимизда таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш борасида амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар жараёнида ёшлар ўртасида жисмоний тарбия ва спортни омаллаштириш, уларни ўзи кизиққан спорт турларига кенг жалб этишга қаратилаётган юксак эътибор ва ғамхўрлик ўз самараларини бераётди.

Хоразмлик Нилуфар Ёқуббоева ва Нодирбек Ёқуббоев шу пайтгача қатор халқаро мусобақаларда, қитъа ва жаҳон чемпионатларида Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб келмоқда.

Пойтахтимизда ўтган мамлакат чемпионати ҳам шахматчилар учун жорий йилги спорт мавсумига тайёргарлик вазифасини ўтади.

Икки юзга яқин шахматчи иштирок этган мусобақанин ўн олти ёшгача ўғил болалар ўртасидаги баҳслари Нодирбек Ёқуббоев ғалабаси билан якунланди. У тўққиз партиянинг биронтасида мағлубиятга учра-

мади. Шоҳруҳ Алиқулов, Сарварбек Олимжонов, Аҳмад Нуруллаев, Саидқабар Сайдалиев, Абдумалик Абдусалимов, Шамсиддин Воҳидов ва Бобур Эшбоевни енгган Нодирбек Далер Воҳидов ва Музаффар Эминжонов билан дуранг ўйнади ҳамда 8 очко билан Ўзбекистон чемпиони бўлди. Қолган совринли ўринлар Саидқабар Сайдалиев ва Далер Воҳидовга nasib этди.

Шу ёшдаги қизлар баҳсида Ситора Сапарова олтин, Хотида Намозова кумуш, Раъно Абдуқолиқова бронза медаль билан тақдирланди.

Ун саккиз ёшгача қизлар мусобақасида мағлубиятсиз ўйнаган Нилуфар Ёқуббоева ҳам олтин медални қўлга киритди. У тўққиз турнинг саккизтасида Мадина Жоникўлова, Шаҳзода Шермухаммедова, Юлдуз Рамазонова, Хилола Абдукаримова, Нафиса Исломова, Моҳим Оразмухаммедова, Озода Рўзиқўлова, Муслима Оллоқулорова енгиб, биттасида Баҳора Абдусатторова билан дуранг ўйнади ва 8,5 очко билан биринчи ўринни эгаллади. Б.Абдусатторова 8 очко билан иккинчи, Х.Абдукаримова 6 очко билан учинчи бўлди.

Байрам АЙТМУРОВ, ЎЗА мухбири.



Ўғил болалар ўртасида Ортиқ Нигматов биринчи, Асилбек Собиров иккинчи, Георгий Шванов учинчи ўринни эгаллади.

Ун тўрт ёшгача ўғил-қизлар баҳсларида Сардор Болтаев, Умар Исомов, Сухробжон Авалбоев, Юлия Хеггай, Дилрабо Хамроева, Дилрабо Маммурова ғолиб ва совриндорлар қаторидан жой олди.

MUASSIS: O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV. TAHRIR HAY'ATI: Hotamjon KETMONOV, Muslihidin FARRUX HAMROYEV, Ulug'bek VAFOYEV, MUHIDDINOV, Rustam KAMILOV, Ochilboy RAMATOV, Saidkamol XODJAYEV, Saidahmad RAHIMOV, Tat'yana KISTANOVA.

Qabulxonasi — 233-65-45. Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56. E-mail: info@uzbekistonovozi.uz. MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi. G — 238 17555. Nashr ko'rsatkichi — 220 t — Tijorat materiallari naxxada bosildi.

Navbatchi: Alisher RO'ZIYEV. Sahifalovchi-dasturchilar: Zafar BAKIROV, Behzod ABDUNAZAROV. ISSN 2010-7633. 1 2 3 4 6